

ШАРТНОМА № 1

Андижон шаҳар

«11» январь 2022 йил

Бизлар ким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «SHINDAND PHARM» МЧЖ номидан раҳбар С.Хайдаров келгусида "Таъминотчи" деб номланган ва иккинчи томондан Андижон вилоят перинатал маркази номидан директор Д.Б.Насретдинова келгусида "Харидор" деб номланиб, куйидаги мазмунда шартномани тўздик

1. Шартнома мазмуни.

1.1 "Таъминотчи" "Харидор"нинг талабномаси билан ҳаётий зарур дори-дармонлар дез модда ва бошқа материалларини сотади. "Харидор" эса олган махсулотлари учун туловни "Таъминотчи"нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда утказиб беришни ўз зиммасига олади.

Етказиб берувчи куйидагиларни етказиб беради.

№	Дори-дармонлар номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Киймати
1	Цефоперазон 500мг + Сульбактам 500мг инъек учун кукун 1.0 гр (Разобакт Хиндистон)	Упак	3000	39000	117000000
2	Цефоперазон 1000мг + Сульбактам 500мг инъек учун кукун 1.5 гр (Аэробакт Хиндистон)	Упак	5000	38000	190000000
xx	Жами:	xx	xx	xx	307000000

Сумма: 307000000 (Уч юз етти миллион) сум

2- «Товар (махсулот)»нинг сифати

2.1. Етказиб бериладиган «Товар (махсулот)»нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий кийматликлар учун белгиланган ГОСТ стандартлари мос келиши шарт.

3. Ҳисоб-китоб килиш тартиби

3.1. Ҳисоб-китоб "харидор" томонидан "Таъминотчи" пул утказиши йули билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик бўлимидан рўйхатдан утиб, маблағ 5 банк иш кунинда "Харидор" етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% (фоизи) олдиндан (аванс) тариқасида "Таъминотчи"нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

3.3. "Харидор" томонидан 30% (фоизи) олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг "Таъминотчи" 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлатстандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни "харидор"га етказиб беради.

3.4. Қолган охириги 70% (фоизи)ни "Таъминотчи" томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақа фактуралари асосида 30 банк иш кунинда утказиб беради.

3.5. Махсулотларни етказиб бериш харажати "Таъминотчи" ҳисобдан қопланади.

4. Жунатиш ва қабул килиш шартлари

4.1. Сотиб олинган товарларни жунатиш "Таъминотчи" томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси бўлиб, товарнинг "Таъминотчи" оғборидан юбориш санаси ҳисобланади, товарни қабул килиш, "Харидор" томонидан уни микдори, сифати ва рўйхати ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши ёки нотугри расмийлаштириши учун жавобгар эмасдурлар.

5.2. "Таъминотчи" ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

-берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган "Товар" (махсулот)ни қабул килишида асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини талаб килиш ҳуқуқига эга.

-агар "Товар" (махсулот)ни етказиб бериш жараёнида "Таъминотчи" шартнома шартлари ва нормативларда чекинишига йул куйган бўлса "Харидор"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришига мажбурдур.

5.3. "Харидор" ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар тугриланиш харажатларини қоплашини талаб килишига: Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказиб зарарни қоплашини "Таъминотчи"дан талаб килиш ҳуқуқига эга.

6. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

6.1. Шартнома мажбуриятларини тулик ёки қисман бажарилмаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг "Хужалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий -хуқуқий базаси тугрисида"ги қонуни талаблари доирасида мулкий жавобгардирлар.

6.2. "Таъминотчи" жавобгарлиги:

6.2.1 "Таъминотчи"нинг айби билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилса "Таъминотчи" томонидан кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.3 "Харидор"нинг жавобгарлиги:

6.3.1 "Харидор"нинг айби билан етказиб берилган товарлар ҳақини уз вақтида тўламаса, "Харидор" томонидан кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоиз миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда Пеня тўлайди.

6.4 Шартноманинг 2-бандига асосан "Таъминотчи" томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда "Таъминотчи" сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради, ва бу билан боғлиқ барча харажатларни уз зиммасига олади.

6.5 "Таъминотчи"нинг ҳисоб - варақасида маҳсулот солинган қутилар (тара)ни қайтарилиши қайд этилган бўлса қутилар 15 кун ичида қайтарилиши шарт.

6.6 Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боғлиқ бўлмаган қуйидаги форс - мажор ҳолатларида қисман ёки тулик озод этиладилар: ёнгин, табиий офатлар, харбий харажатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишига таъқиқлар.

7. Низоларни ҳал этиши.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиққандиган барча низолар, томонлар ўртасида узаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Низола пайдо бўлганда томонлар ёзма равишда оғохлантириши хати берадилар. Оғохлантириши хатини жавоб бериши муддати 10 кун.

7.2 Ҳал этилмаган низолар Хужалик судида қуриб чиқилади. Хужалик судини қарори ҳал этувчи хужжат ҳисобланади.

8. Форс-Мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар "ёнгин," сув тошқини, шу қаби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари", агар тегишли хужжатлари билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2 Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик бўлимида руйхатга олинган кундан қўнға қўнғади ва **31 декабр 2022** йилгача амал қилади

10. Умумий ҳолатлар:

10.1. "Харидор" "таъминотчи"га хар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладигон дори воситалари ва тиббиёт ашёларнинг булорпма руйхатини тақдим этади. Бунда товарнинг номи, миқдори курсатилиши шарт, "Харидор"га "Таъминотчи" томонидан прайс листлар тақдим этилади, прайс листга асосан "Харидор" нархларга алоҳида эътибор берган ҳолда, танлов варақасига асослашиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори-дармонларини сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча узғартириши ва қўшимчалар факат ёзма шартномада имзаланган шартномага киритилган ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сунгтегишли газначилик бўлимида руйхатга олингандан кейин асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3 Ушбу шартномага оид лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунари асосида ҳал этилади.

11. Томонлар банк реквизитлари ва манзилгоҳлари

"ТАЪМИНОТЧИ"

«SHINDAND PHARM» МҶЗ

(етказиб берувчи номи)

Манзил: Андижон туман Хорт ум МФИ

х/р: 20208000905232775001

Агро банк Андижон туман фил.


МФО: 00062 ИНН: 307449004

ОКОНХ _____

"ХАРИДОР"



Рахбар:



С.Хайдаров

Рахбар:



(Ф.И.О)

Хуқуқиюнос: _____

